



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Турсунов Илхом Тоирович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси
email: ilhomtursunov78@bk.ru

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 10 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss10/a5	Мазкур мақолада тижорат банкларининг иқтисодий тармоқларини ривожлантиришдаги аҳамияти, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари, корпоратив тузилмалар молиявий таъминотини мустаҳкамлашда тижорат банкларининг роли ёритилган. Сўнгги беш йилликда Ўзбекистон Республикасидаги тижорат банкларининг молиявий барқарорлик тенденциялари таҳлил қилинган. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга доир илмий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.
KEYWORDS	<i>тижорат банк, молиявий барқарорлик, ликвидлик, инновация, стратегия, юқори ликвидлик актив, нақд пуллар, кредитлар, актив операциялар.</i>

Кириш (Введение/Introduction)

Иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, йирик ишлаб чиқариш корхоналарини молиялаштириш билан боғлиқ масалаларини ижобий ҳал этиш, корпоратив тузилмалар молиявий фаолиятини ташкил этишда тижорат банкларининг ўрни муҳим ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда тижорат банклари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, банкларда трансформация жараёнларини жадаллаштириш, уларнинг устав капиталда давлатнинг иштирокини камайтиришда борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Албатта мазкур жараёнларда давлат томонидан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш, норматив ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириб бориш муҳим саналади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида «давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини яқунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш»[1] асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб олинган. Мазкур жараёнда тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга мос равишда корпоратив бошқарув сиёсатини мувофиқлаштириш, молиявий таъминотнинг қўшимча манбаларини шакллантиришда капитал бозори билан муносабатларни ривожлантириш долзарб масалаларидан биридир. Мамлакатимиз илмий фаолият соҳасида ҳам тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш унинг алоҳида йўналишлари ва соҳаларини ривожлантиришга доир илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилиши иқтисодий молия секторини ривожлантиришдаги муҳим вазифалардан бири саналади.

Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги уларнинг муваффақиятли фаолиятининг асосий таркибий қисмларидан биридир. Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нафақат банкнинг ўзи, балки бутун мамлакат молия тизими учун

муҳим омил ҳисобланади. Ушбу мавзунинг ўрганиш, таҳлил қилиш ва самарадорлигини ошириш йўллари топиш мақсадида бир қанча олимлар изланишлар олиб боришган.

Мамлакатимиз олимларидан О.Б.Саломовнинг фикрича, “тижорат банклари молиявий барқарорлиги бу – банк фойда олиш жараёнида унинг молиявий кўрсаткичлари ва фаолиятининг ижобий ҳолатини таъминлаган ҳолда банк хизматлари бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш орқали ички ва ташқи муҳитнинг салбий оқибатларига қарши тура олиш қобилиятидир” [2]. Тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш салоҳияти, биринчи навбатда, уларнинг ресурс базаси етарлиги билан белгиланади. Мамлакатимиз тижорат банклари ресурс базасининг биринчи қисми капиталдан иборат бўлса, иккинчи қисми эса депозитлардан иборат. Сўнгги йилларда тижорат банклари капитал базаларининг ҳам, депозит базаларининг ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлганлар. Шунинг таъкидлаш жоизки, республикада тижорат банкларида депозит маблағлари умумий ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, уларнинг базасини узоқ муддатли депозитлар ҳисобига янада мустаҳкамлаш лозим [3]. Банк ликвидлиги деб банкнинг юзага келган мажбуриятларини бажариш мақсадида тезкор равишда ва минимал харажатлар билан ўз активларини пул маблағларига айлантира олиш қобилиятига айтилади. Тижорат банкларининг ликвидлик ҳолати самарали бошқарилмаса, фавқулодда ҳолатлар юз берганда қўриладиган амалий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилмаса, аксарият ҳолларда банклар ликвидлик инқирозига, ҳатто банкротликка учрайди. Ликвидлиги паст бўлган воситаларга узоқ муддатларга қўйилган маблағлар ҳисобидан қиска муддатли ликвидликка бўлган эҳтиёжларни қондириш ва юқори фойда олиш ўртасидаги мувозанатни сақлаш банкни бошқаришнинг асосий компоненти ҳисобланади [4].

АҚШнинг Колумбия университети профессори Ф.Мишкіннинг хулосасига кўра, “тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлашда молиявий инновацияларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Фонд ставкаларининг сезиларли даражада тебраниши янги молиявий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўзгаришига бевосита ва кучли таъсир қилувчи муҳим иқтисодий омил ҳисобланади” [5].

Россиялик иктисодчи Е.Л.Зернова бекарорлик ёки инкироз шароитида банк операцияларини бошқариш стратегияси молиявий баркарорлик элементлари билан биргаликда банкнинг минтақадаги узлуксиз фаолиятини кафолатлаши мумкинлигини таъкидлаб ўтган [6]. В.Билопошканинг фикрига кўра, марказий банклар молия институтлари сифатида мамлакатнинг молиявий баркарорлигини таъминлашда шубҳасиз фавқуллодда рол ўйнайди. Умумий молиявий баркарорликни таъминлашда марказий банкларнинг роли ҳам банк секторидagi тизимли бекарорликнинг бутун молия секторига тарқалишининг олдини олиш ва бутун мамлакат учун ижтимоий-иктисодий оқибатларни ижобийлигини таъминлашдан иборат [7].

Ч.Лусу олиб борган тадқиқоти давомида, аҳолининг банкка бўлган ишончи саноат даражасидаги молиявий баркарорлик кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқлаб, банк даражасидаги риск чоралари фақат минимал ёки энг яхши ҳолатда қўшимча рол ўйнаши мумкинлигини аниқлаган. Унинг таъкидлашича, ушбу натижа аҳолининг алоҳида банклар хавфсизлиги ва мустақамлиги ҳақидаги тушунчасини аниқлашда банк секторининг умумий баркарорлиги муҳим ролини очиб беради ва банкларга ишончни таъминлашда тармоқ даражасидаги баркарорликнинг етакчи ролини асослайди [8]. Ў.Ризки молиявий технология (FinTech) ва молиявий баркарорлик ўртасидаги боғлиқлигини тушуниш молия сектори регуляторлари учун муҳимлигини таъкидлаб ўтган. Унинг таъкидлашича, молиявий баркарорлик кенгаши операцион ва кибер рискларни ўз ичига олган технологик фаолиятнинг тизимли муаммоларини таъкидлайди, бу эса ўз навбатида молиявий баркарорликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин [9]. Бироқ, FinTech ривожланиши аъёнавий банк фаолиятига қараганда самаралироқ молиявий хизматлар кўрсатадиган кўпроқ инновацияларга имкон беради ва шунинг учун банк саноати FinTech мавжудлигидан маълум даражада йўқотишларга тўғри келиши мумкин.

Тадқиқот методологияси (Методология исследования/ Research methodology).

Тадқиқот давомида тижорат банкларида молиявий баркарорликни таъминлашда қўлланиладиган усуллар, ҳамда молиявий баркарорликни таъминлашга таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткичларни таҳлил қилинди. Мамлакатимизда ушбу кўрсаткичларнинг бутунги кундаги ҳолатларини ўрганиш билан бирга, банк тизимида олиб борилаётган ислохотларни ҳамда ушбу мавзудаги назарий ҳамда эмперик адабиётларни ўрганиш ва шу орқали танқидий фикрлаш, тизимли ёндашув каби усуллардан кенг фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты/ Analysis and results).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2023 йилдаги фаолияти бир томондан, иктисодиётда юқори инвестицион ва ишлаб чиқариш фаоллигининг кучайиши, давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни давом эттирилиши шароитида инфляция даражасини прогноз кўрсаткичи доирасида шаклланишини таъминлашга, иккинчи томондан, глобал инфляцион жараёнларнинг секинлашишига қарамадан ташқи ресурслар жалб қилишнинг қимматлашуви шароитида банк тизимининг молиявий баркарорлигини мақбул даражада сақлаб қолишга қаратилди.

2023 йилда глобал иктисодиёт ўзининг “баркарорлашган ўзгарувчанлик” (stabilized volatility) – янги аъёнавий ноаниқликлар даврига ўтиб, бу ўз навбатида, геосиёсий жараёнларнинг иктисодиётга кучайиб бораётган таъсири – инфляция, таъминот занжирларидаги узилишлар, бюджет харажатлари тузилмасидаги ўзгаришлар ва бошқа тенденцияларнинг ўзгариб бориши орқали намоён бўлмоқда. Халқаро валюта жамғармаси 2023 йилда глобал иктисодий ўсиш 2022 йилга нисбатан 0,3 фоиз бандга секинлашиб, 3,2 фоизни ташкил этганини маълум қилди. Бунда, ривожланган мамлакатларда иктисодий ўсишнинг 2022 йилдаги 2,6 фоиздан 1,6 фоизгача (-1,0 ф.б.) секинлашгани кузатишга бўлса, ривожланаётган иктисодиётларда мазкур кўрсаткич 4,1 фоиздан 4,3 фоизгача тезлашди.

2023 йилда банк тизими соф фойдаси 2022 йилга нисбатан 24 фоизга ошиб, 12,4 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, олинган ялпи даромадлар ҳажми 128,7 трлн сўмни ҳамда харажатлар 116,4 трлн сўмни ташкил қилди. Банклар жами даромадларининг 67 фоизи фоизли даромадлар, 33 фоизи фоизсиз даромадлар ҳиссасига тўғри келди. Фоизли даромадларнинг 88,3 фоизи кредит ва мижозларнинг

мажбуриятлари, 6,2 фоизи бошқа банкларга жойлаштирилган маблағлар, 5,5 фоизи қимматли қоғозлар бўйича олинган даромадларни ташкил этади. 2023 йилда банк тизимининг рентабеллик кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар кузатишга бўлиб, ҳисобот йили якунлари бўйича банк тизими активлари рентабеллиги 2022 йилга нисбатан 0,1 фоиз бандга ошиб, 2,6 фоизга ва капитал рентабеллиги 0,9 фоиз бандга ошиб, 14,2 фоизга тенг бўлди (1-расм).



1-расм. Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси¹

2022 йил якунлари бўйича банк тизими активлар рентабеллиги йил бошига нисбатан қарийб 2 баробарга ошиб, 2,5 фоизни ва капитал рентабеллиги 13,3 фоизни ташкил этди. Бунда, капитал рентабеллиги ўзгаришида соф фоизли маржа (3,4 фоиз), фоизсиз даромадларнинг активларга нисбати (6 фоиз), левараж коэффиценти (0,6 фоиз), фойдага нисбатан солиқ юқининг камайиши (0,8 фоиз) каби омиллар ижобий таъсир этган бўлса, захираларнинг ўсиши (-2,5 фоиз) ҳамда фоизсиз харажатларнинг мажбуриятларга нисбати (-1,1 фоиз) салбий таъсир кўрсатди.

2023 йилда тижорат банклар жами капитали ҳажми 22 фоизга ошиб, йил якуни бўйича 97 трлн сўмга, устав капитали миқдори 15 фоизга ўсиб, қарийб 69 трлн сўмга этди. Шунингдек, 2023 йил якунлари бўйича банк тизимида регулятив капитал миқдори 106 трлн сўмни ва таваккалчиликка тортилган активлар 604 трлн сўмни, капитал етарлилиги кўрсаткичи 17,5 фоизни (минимал талаб 13 фоиз) ташкил этди.

Банк тизими капитал етарлилиги кўрсаткичининг йил якунида бошқа ойлarda шаклланган кўрсаткичларга нисбатан юқори сақланиб қолиши капитал етарлилиги кўрсаткичининг ҳисоблаш методологиясининг ўзгариши билан боғлиқ. 2023 йилда юқори ликвидли активлар ҳажми 7,6 трлн сўмга ёки 7 фоизга камайиб 97 трлн сўмни ташкил этди. Бунда, юқори ликвидли активлар таркибида миллий валютадаги активлар 4,5 трлн сўмга, хорижий валютадаги активлар эса 3,1 трлн сўмга камайиб, уларнинг ҳажми мос равишда 46,5 ва 50,4 трлн сўмни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Юқори ликвидли активларнинг таркиби ва жами активлардаги улуши динамикаси^[10].

№	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
1.	Нақд пуллар	5,7	7,9	10,7	19,3	20,2
2.	Давлат қимматли қоғозлари	4,7	13,6	15,7	25,2	22,9
3.	Юқори ликвидли активлар суммаси	30,5	50,0	76,0	104,5	96,9
4.	Марказий банкдаги маблағлар	19,6	23,5	29,4	33,9	30,4
5.	Бошқа банклардаги маблағлар	11,4	16,2	19,8	28,4	23,5
6.	Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши (%)	11,3	14,2	17,7	19,4	14,9

Юқори ликвидли активлар камайиши ривожланган давлатлар Марказий банклари асосий ставкаларини ошириши натижасида ташқи ресурсларнинг қимматлашиши ва глобал нобаркарорлик шароитида инвесторлар ўз маблағларини хавфсиз активларга йўналтириши фонида содир бўлди. Юқори ликвидли активлар ҳажмининг камайишига қарамай, банк тизимида қисқа муддатли ликвидлилик (LCR) ва узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичлари

(NSFR) миллий валютадаги депозитларнинг 29 фоизга (38 трлн сўмга) ўсиши натижасида барқарор ички ресурс маблағлари ҳосил бўлиши ҳисобига мақбул даражада шаклланди. Банк тизими бўйича ликвидликни қоплаш меъёри (қиска муддатли ликвидлик) йил давомида 212 фоиздан 165 фоизгача (минимал талаб 100 фоиз) пасайган бўлсада, банк тизимида қутилмаган стресс ҳолатлар юзага келган тақдирда ҳам банклар кейинги 30 кун давомида мижозлар олдидаги мажбуриятларни тўлиқ бажара олиш имконияти мавжуд бўлди.

Хулоса (Заключение/ Conclusion).

Фикримизча тижорат банкларида молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга доир қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим: барқарор депозитларни жалб қилиш, ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, ходимларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ва ш.к. Барқарор депозитларни жалб қилиш банкнинг ишончли молиялаштирилишини таъминлаш учун барқарор ва узоқ муддатли депозитларни жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланиш стратегияси эса тижорат банклари барқарор ўсиш ва фойдани оширишга ёрдам берадиган аниқ ривожланиш стратегиясига эга бўлиши керак.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. О.Б.Саломов Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асослари. “Молия тизимини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари ва истикболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман тўплами, Тошкент 2022 йил 4 апрель. Б-691-696
3. Додиев Ў.Ф. Тижорат банкларининг инвестиция фаолиятини ривожлантириш йўллари//Иқтисод ва молия/Экономика и финансы 2014, 3.
4. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашнинг назарий масалалари//“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2016 йил.
5. Ф.Мишкин Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс» 2013 – с 295.
6. Е.Л.Зернова Стратегия управления банковскими операциями как инструмент обеспечения финансовой устойчивости коммерческого банка//Actual issues of modern science and society – 1/2020;
7. Viktoriia Biloshapka, Igor Britchenko, Iryna Okhrymenko Central banks as leaders in ensuring financial stability// Proceedings of the 3rd International Conference on Social, Economic, and Academic Leadership (ICSEAL 2019)
8. Lucy Chernykh, Denis Davydov, Jukka Sihvonen Financial Stability and Public Confidence in Banks Journal of Financial Stability Volume 69, 2023, 101187, ISSN 1572-3089 <https://doi.org/10.1016/j.jfs.2023.101187>.
9. Rizky Yudaruddin, Wahyoe Soedarmono, Bramantyo Adi Nugroho, Zhikry Fitriani, Mardiany Mardiany, Adi Hendro Pumomo, Eka Nor Santi Financial technology and bank stability in an emerging market economy. Heliyon, Volume 9, Issue 5, 2023, e16183, ISSN 2405-8440, <https://doi.org/10.1016/j.heliyon.2023.e16183>.
www.napp.uz - Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигининг расмий веб-сайти.
www.stat.uz - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг расмий веб-сайти
www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни расмий веб-сайти
10. <https://cbu.uz/oz/publications/annual-report/> - маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
11. Baratova , D. ., & Olmosova , M. . (2024). O'zbekistonda aholi mol-mulkini sug'urtalashning hozirgi holati, muammolar va rivojlantirish istiqbollari. Страховой рынок Узбекистана, 1(7), 94–97. https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss7/135
12. Баратова , Д. (2024). Хаёт сугуртасининг аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги ўрни. Страховой рынок Узбекистана, 1(7)14–16. https://doi.org/10.55439/INS/vol1_iss7/111..